

Шеър иши хам синовдан ўзга бир нарса эмас. Усулига биноан у – маънавий, маърифий, санъатий синов. Илдизи руху калб, тафаккурдадир. Жамийки амаллар сингари шеърлар калбий тақозолар ила воқе бўлади. Ботинда кечувчи унинг захмати хали амал, хали воқелик эмас. Бу бир гайбиётдир ва хақиқати Аллох илмида маълум. Инсон юзага чиқарган касби-амали билан ҳисобдор. Жоҳилият даврларида ёлгон, бидъат, ширку хийлалар – барча ботиллар шеърини тусларда ҳам авжланган. Назми зўр эрмак билиб байт тўқувчи кўп бўлган. Хар зайл залолатни гўзал сўзлар воситасида содир этмок мумкинки, жоҳил шеърчилар бунинг ҳамма шаклини кўрсатган.

Бебош ва бузгун шоирликка саодат асрининг илк босқичидаёқ илохий ҳукмлар ўқилди, бундай нафсоний, гаразгўй амалга аламли азоблар хабари келди. Чин шоирлик шартлари эса бешубха равшан бўлди. Васатий адабий ҳунарга илохий ижозат берилди. Оғишувлар тури, афсуски, шеъриятда жуда кўп. Хар қайсиси жуфт-жуфт ҳолатда мавжуд. Улар ижодлар, илмларга илақишга доим шай: асоси пуч мактов ё ноҳақ инкор, раддия; ёлгонни маёқ қилиш – хақиқатни турткилаш; баёнда исрофчилик ёхуд сўзда кашшоклик; руҳни ортик улуглаш ё моддиятга эътимод; бугун бир фикр айтиш – эрта-индин фикридан қайтиш; яхши гап тақдим этиш – соҳибининг ўзида беамаллик. Ва хоказо.

“Бир ёзувчининг адабиёт даргоҳига кириб, ундан ўз ўрнини олиши учун минг бир шарту шароитнинг тажассуми керак бўлади” (Эркин Воҳидов). Шеърият нелигини билувчилар кўп айтган ўша шартлар саногии канча бўлса, уларга касдма-касд зид турувчи хатарли оғишув кутбларининг ҳам шунча миқдор борлигига асло гумон йўқ. Улкан хавф-хатарлардан бири, шубҳасиз, рух ила жасадга муносабат, шуларнинг талқини, тавсифи бобларидадир.

Ўзга дийнлар, хатокор мафқураларда рух ва жасадни ўзаро ёв, бир-бирига тамом терс деб қараш устувор. Тараккий, комиллик йўлида бири бошқасига гўё гов, қишан. Уларнинг наздида жасад - бамисоли рух камокхонаси. Жамиятда буларнинг қайси биригадир майл қучайса, ўшанисининг манфаатига чуқур кириб кетилади, шериги яққаланиб қолади, менсилмайди. Рухга ружу қўйувчилар доим дунёвий бурчлардан бешишган, тарқидунё томон кетганлар. Танни тан олувчилар рухий ривождан сўнишган, дунёпарастликка шўнгиганлар. Ислом бундай хаддан ошишларни инсониятнинг энг мудҳиш тойилишлари деб ҳисоблайди.

Шаръий матнларда, яъни ояту ҳадисларда қалб, ақл, рух, жасад ва ундаги аъзоларга доир тавсиф, тақлиф, кўрсатмалар бор. Хак таълимотда улардан бирига нописанд қараб, ўзгасини зиёда дастак қилиш кескин қораланади. Рух билан вужуд биргаликдагина мавжуд инсон моҳиятидир. Улар – буюқ илохий муштараклик. Иққаласи ҳам ҳамиша озукаталаб. Бу иққилик қўшилувида муайян машаккатнинг борлиги ҳеч сир эмас. Айни машаккатда улугвор хикматлар кўп. Шу қийинчиликка муносабатда, уни енга олиш ё енга олмасликда инсон учун қатта синов мужассам. Шундаги аҳволотга қараб одамлар тоифаланади.

Ислом барча соҳа ва масалада, бинобарин, чуқур рухий мавзуларга амалу муносабатда ягона муқамал васатий таълимотдир. У ҳаммага, ҳамма нарсага ўзининг исталган замон ва макон учун салоҳиятли васатия (энг тўғри, энг яхши, ўрта, адолатли, холис, ҳалол, мўътадил) қоидаларини тақлиф қилади...

Ўтмиш ўзбек шеъриятининг жамийки ютуқлари ҳам, шубҳасиз, васатияга амал ва садокат

натижасидир. Борлик, хаёт, инсоннинг бор жабха, манзарасига мурожаатчи бўлмиш адабий ижод кай мавзуга кўл урмасин, ислом илмлари туфайлигина ҳақ эътикод, акийдада мустаҳкам турган. Ҳам “дунёвий”, ҳам “шаръий” доврुक қозонган. Ният, нуктаи назар, мезон, баён каби вазифаларнинг оқил ечимларини худди шу асослардан топа олган. Йўкса, ҳар жихатдан адашган, тойган.

Шеъриятда рух ва вужуд майлига, уларнинг ошқор ё ноошқор иштирокига тегишли бўлмаган ҳолат, мавзу йўқ. Шунингдек, шеъриятнинг мавзу-мазмун харитасида бевосита рухият мавзуси, унинг бепоён диёри, иқлимлари бор. Хуллас, шеър нимага багишланмасин, тўғри ва баркамол бадиият шоирнинг васатий заковатидан, ноқислик, саёзлик, хатолик унинг маҳдуд, тор аҳволдан хабар беради. Ботил ва ширкона талкинлар, ишқнинг таърифида вужудийлашув қабилар таълимотдан гофиллик, руху танга қарашда васатсизликдан. Васат муносабат алдамас ва мудом голибдир. Ҳатто ҳар турли оғишуви кўп шўро даври шеъриятига шу сифат қувват берган. Чунончи, “Рухим” (А. Орипов) шеъри шундай васат мурожаатнинг ягона дурдонаси:

Вужуд деганлари асли нимадир?

Дайр денгизида юрган кемадир.

Бир кун бир қояга урилгай кема,

Рухим, сен вужуднинг гамини ема.

Юксак фазоларда айлагил парвоз,

Сенда на оҳанг бор ва на бор овоз.

Сенга на бўронлар қор қила олур,

Сени на йўқотиб, бор қила олур.

Сен мисли қамалак - юксак ва сўлмас,

Қамалакни эса парчалаб бўлмас.

Собик тузум адабий ижодни мафкура мадҳига, сохта гоюлар, нодон даҳолар олқишига узок ҳамда чуқур шўнгитди. Олтмишинчи йиллардагина занжирбанд шеърият бир қадар ҳушёр тортди. Ҳақиқатни, асл ўзлигини излашга тушди. Улкан гуноҳлардан, ёлгондан қочиб, юрт дардига, эл қўнглига юз бурди. Аччиқ тажрибадан кейинги марокли бу долзарб ислоҳга Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Икром Отамурод, Мирзо Кенжабек, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид сингари шоирлар янада ўзгача йўсинлари билан қўшилди.

Ҳозирги шеърий жараённинг марказий тамойили – қалбу рухиятнинг қаррига юриш ўша тўғрилиққа интилиш, рост туйғуни қуйлаш расмининг аввалги оҳангни инқор этмовчи, янгича ва чуқурлашган мантикий давомидир. Албатта, ички оламларнинг шартли ва мажозий поэтик тадқиқи шаръий номарғуб, номақбул йўналиш эмас. Аммо бошқа шеърий йўлларга ўхшаш у ҳам хатарлардан холий эмасдир. Бунда ҳам ишончли муҳофазани, масаланинг тўғри ечимларини, эстетик мўътадиллик ва мутаносибликни фақат васатий илмлар таъминлай олишга қодирдир.

Шоирона ҳақгўйлик тараккийсидаги услубий ўзгаришларни ва бу йўлдаги бир ҳавотирни илк бор иллаган Мирзо Кенжабек шундай ёзган эди: “Адабиётимиз аҳлига назар ташлаб, гоҳида мен айрим шоирлар шахси билан ижоди ўртасидаги мутаносибликнинг бузилаётганини кўраман. Шоир шахси – вужуд, шеъри – рух бўлиб, иккиси икки томонга талпинаётгандек, бир – бирларини топа олмаётгандек туюлади. Рух – ҳақиқат майдони, ҳақ аршига, вужуд эса қўнғил майлига берилиб, фароғат ва хиёнат даргоҳига интилаётгандек кўринади”.

Усмон Азим рух ва вужуд мавқеларини васатий идрок, дониш талкин қилади.

Жўшкинликни таълимотга бўйсундириб, шаръий доирадан огишмай фикрлайди. Рух, юрак ва тафаккур – илми Аллохга хос бўлган, латийф, илохий неъматлар. Хатто инсон жуда кўниккан, яхши биламан деган вужуд моддияти гайбиётдан мосуво эмас. Вужуд шамойили тан кўзи ила, рухият аъмоли калб кўзи ила идрокланади. Шулар боис лирик кахрамон инсон омилидаги бу улуг хосликларга хар турли муносабатда керак оқилликни топади. Улар уйгунлигини бузмокка чоғланмайди. Рухиятга канча эрк тиламасин, вужуд шаънини топтамайди. Машаккатни енгмокка чидам ва сабот лозим. Шоир хар қачон, хар қаерда лозиму лобуд сифат - собирликни ҳакли равишда ҳамма амаллар манбаи юракка тилайди. Уни мудом яхшилик умидида бўлиб, адоватда эмас, ўзни ислоҳда тутиб яшашга, яхши амаллар қилишга қакиради:

Сабр! Сабр! Мудом сабр!
Бўлгунича дардинг қабир.
Ёвга топиб эзгу таъбир,
Ўз феълингдан шикоят эт.

Сенга олам бўлгандир жо...
Оғригингдан дунё-дунё
Дунёларни этиб барпо
Ўз-ўзингга хидоят эт.

Юрак ўз юраклигига риояда бўлмоғи, соғломликда собит турмоғи, ҳақиқатни идрок этмоғи шартдир. Рухнинг парвози юқсак, тасаввур уфқи кенг бўлмоғи матлуб. Рух билан тан ҳамжихатликда ҳакни дейишга яралган.

Тарқоклик уларга ноярашиқ хол, жипслик уларга қисмат қилинган. Ягона инсон зотининг ярми рухдир, ярми жон. Улардан бирига қалтис оғишув шахсни қилпарчин қилади.

Табиатан безовта рух янада зиёда парвозлар, тугал эрк, озодлик соғинар экан, унинг танга муштараклик муросалари, васатий-мўътадил мавқе-халоват Яратганнинг Ўзидан сўралмоғи шарт:

Яримдирсан, яримдирсан,
Менинг йўғу боримдирсан.
“Ҳақ” деганда зоримдирсан,
Зорларимдан бир оят эт.

Зирқирайди хоргин таним,
Рухни ушлар - Маним! Маним!..
Рухқорим деб сигинганим,
Мени мендан химоят эт.

“Мувозанат излайди асли Ва шу йўлда бўлади қурбон – Қандай оғир юраклик қасби!” Вужудга-да осон тутмаслик, рухдаги мисол шиддатни ундан талаб қилмаслик керак. Унинг “қисмати пастли” деб фиғон чекмаслик дарқор. Вужудда вазифа бошқадир. Қолаверса, “Тўлкинларнинг зарбидан Тан оғрикка тўлгандир”. Вужуднинг рухдай ривожини орзулаш Ҳаққа талпинишдаги жидду жаҳднинг қизгинлик кўрсатқичидир, холос.

Кўкрагимда айланар
Бу қархи дун-тегирмон.
Фалағу ер остида
Бир заррадир тану жон.

Йўк, ҳеч кимга омон бермас
Бу тегирмон - чархи дун.
О, бировнинг огзи кондир,
О, бировнинг багри хун.

Бу тегирмон аямайди-
Танни янчар - кўзи оч.
Факат рухнинг атрофида
Айланади беилож.

Ўзга шеър гумонсираш билан бошланади: “Сабр - кўрокликми?” Даъвати кўплаб ояти Карималарда, хадиси шарифларда келган, яхшилар жисму жонида ноёб фазл саналган неъматга шубхамидир бу? Ёки собирлик матонатдан кайтардимиз? Рухнинг гайрати сўндими? Йўк! Сабр берилган онларда сабрни, унинг нозик кирраларини тафтишладан мурод нима у холда? Гап шундаки, рухиятдаги устун мавкеи баробарида сабр инжа бир поэтик бахона хамдир.

Кахрамонни ҳақ йўлдан тоймаслик, тўхтамаслик дарди бетокат килаётир. Унга “Сўз етар дунёнинг равиши маълум”. Бу тарафдан кўнгли хотиржам. Ва лекин сўз етмас ажиб холатлар дилни ўртаб, олга ундайди. Холини тахлил, тааммул эттиради. Юрагига илохий таълимлар ёғдиради. Йўк, сабр - суствлик, ожизлик, кўроклик эмас: у юракдан хавойи гурурни кувди, кўнгилдан губорни кетказди, сокин хакикатларни огир сўйламокни ўргатди. Тажрибалар ботинни забт этган сайин “Шиддатнинг қадами ўйчану вазмин”. Жанг тинмади, давом этмоқда, аммо бу жанг – босик ва тинч жанг. Токи инс хамда жин шайтонлар бор экан, чидам ва саботга эҳтиёжнинг чегараси бўлмайди. Сабрдан яна бир сабоқ шудирки:

Ўз кадрим англадим, худога шукур,
Ўзгалар кадрини энди ўйлайман.

Зохирдаги ганимни енгмоқлик учун ботиндаги ганимни енгиб олмоқ шарт. Бу – исломдаги улуг, залвори ўта кучли коидалардан. Юкоридаги шеър идроклатувчи рухият манзараси ўқувчи шуурини шу тағмаънога йўллайди. Усмон Азимнинг катор шеърларидаги ботиний кайфият чизмалари, бир-бирини такрорламас кечинмалар ана шу ислох туйғусини у ёки бу даражада тасарруф этиб туради. Ўзни доим ислохда тутиш соғлом калб сохибларининг узлуксиз иймоний бурчидир. Ардоқли бу хиссиётнинг бутун шеъриятни қуршаб олаётганлиги шунинг учун гализ таассурот пайдо қилмайди, аксинча, тасвирга янада ишонч багишлаб, ўзига табора мафтун этади. Бу оханглар хаттоки хали камдек туюлади.

Вазият талаб этса, иймон сохиби вужуд, юрак ва рухга ўринли танбех, таскин, мактов айтмоғи, уларни тергов ҳам қилмоғи мумкин. Мақсад покланишдир. Рухининг “дарахти” фалақдан “харакат ичар” ва у жойда “гуллар” экан, инсон имконли қилинган бу мақомдан лирик кахрамон масрур. Табиийки, бундан вужуд жуда-жуда беимкон: “Гуллаган дарахтни қилар тамоша Фалакка термулиб қуриган жисмим”. Ислохдан асосий муддао ботинга юриш бошлаб, ўрнашган ҳамма ёт иллатдан мусаффо бўлмоқликдир:

Кўзларим тўладир – сигмайди шодлик,
Ёлгонлар сигмайди – огзим тўла чин.

Юракларим тўла ётликдир, ётлик,
О, узок қаъримга бекинмиш аслим.

Хаёт – “айкашган, чалкашган чангалзор”. Чакалак багирни, юзни тилади. “Тикан

азобидан товонда фарёд”. Йўллар анчайин ноаён, одим негадир жонсарак. Яшаб, яшагандай бўлмади одам. Нукул адашувлар. Шундай рухий ахволли лирик “мен” гайбдан кўмак сўрайди. Хавода такрор-такрор битта жавоб - “юрак” сўзининг шарпаси кезади. Зотан, юрак озукасиз, каровсиз колса, моддият Ўзликни батамом ўз домига тортади. Хаётдан хориган кахрамон зимистонда гулхан ёккан пайт чангалзордан Ўзлиги чикиб келади. Ўзликка айтилган энг катъий таклиф будир:

Келгин, бор вужудда яшайлик тотув!-

Унга кучогимни очдим ютокиб.

Менга бир заррасин этдию тортик

Яна чангалзорга кирди улокиб.

Чангалзор, чакалак, тикан, гулхан, коронгулик, Ўзлик кабилар – бариси лугавий маънони тарк этиб, муносиб кўчма маъноларни вазият тасвирига тортик килади.

Мустакийм йўлдан буткул озмаганлар учун адашувлар ибрат дарсларидир. Тўгри хулоса чиқарилса, уларда хайриёт бор. Улар Хакни танитувчи, Хак йўлга солувчи сўкмоқлардир. Адашиб, сўнг ўнгланиш тажрибасидан рост акийдани хар ким хар хил топишига оид иқрор келиб чиқади:

Ўзгага бу гапнинг маъноси сирдир,

Аллох бандалари! Бўлинг журъатли...

Тангри – бир! Тангрининг йўли хам бирдир,

Аммо топмок захми – ўзга суратли.

Жасадга огишиш, тан майлига чегара кўймай берилиш инсоний шаън-шавкатни оёк-ости килади. “Бу тўймагур кориннинг дарди”ни ўз йўли деб билган, “корни тўк, пулкувар дунё”нинг асл хакикатни фахмламай ўтмоги тайин. Шу катта маънавий хавотир сабаб шоир, шартлиликни калтис кучайтириб бўлса-да, масалани кескин кўяди: “Бошим маним, Йўлга чиқкин, Хак йўлида мундог мардлик сафарлар кўп...” Мухими, шармандали тирикликдан асранмок вожиб. Магар “Иймон берса, Ўлимда хам Зафарлар кўп”.

Сафарларнинг зафарлари калбни поклаш ила бўлади. Рухан покланиш нияти мудомий муддаога айланиб, калб каърига борилган сари губорлар таркайди, рахмат ёгилади:

Рухни юргуз! Калбга хайда!

Колмасин хеч тан ичраким,

Хар касга Аллох рахмати

Калбга юрмакдан келгайдир.

Гохида “тан”, гох “вужуд”, гохида “ер”, гох “дунё” шаклида тимсолланиб шеърдан шеърга кўчаётган, саноксиз раддияга учраётган салбий кутб сертаркиб намоён бўлаверади.

Олий максад йўлидаги харакату илинжлар эса юракка такалиб бораверади:

“Юрагимнинг ортидан Дарбадар кетсам эди... Довдираган дунёдан Юракнинг етагида Ўтсам эди пиёда. Тинч сухбат курсам эди Ўзим билан иттифок”.

Шоирда калбга ишонч, эътибор, эътимоднинг айричалиги бежиз эмас. Исломият калбни доимий ислох билан соғлом саклашни, уни умр йўлларида омон олиб ўтишни, рух ила жасаднинг тавозунли тарбиясини ва шундай ахлоқ тарғибини буюради. Амаллар манбаи калб экан, ислохий барча тадбир шу маконда кечади. Аммо бу туйгуларни, хар ислох айёмини кувватли ифода, таъсирли рухий хол килиб такдим этувчи омиллар ўзликни англаш ва калбни поклашга каратилган бетакрорлик, васатийликдир:

Майли, осмон бошимда хира,

Бахоримда чилланинг киши-

Менга мухим чалкашлик ичра

Ўз-ўзимни англамок иши...

Рухнинг сокин гирдибодида

Учар экан таннинг куллари,

Истайманки, дилнинг додига

Садо берсин хаёт гуллари.

Ислом дийну дунёни бир-биридан ажратиб карамайди. Хаётни бугун ва охират деб бўлакларга бўлмайди. Уни яхлит, давомий тавсифлайди. Мухимни номухимдан беҳато фарклатади. Нокерак, беҳуда нарсага ружудан, тугёнга, гулугга кетишдан инсонни кайтаради. Ислом батамом осонликка бино килинган. Ожиз инсонга Аллох энгилликни хохлайди. Хамма нарсада хар нав чегарадан чикишни, акл етмас ишларда буткул катта кетишни катъиян ман килади. Буни шеърда васатий айтмок тарзи такрибан бундай:

Козон кайнар-

Худога шукур...

Бу юракми

Дунё талашган?..

Дунё билан бахслашма,

Кайт!

Армонингни шамолга едир...

Кучинг бўлса,

“Ох” урмасдан айт-

Кайнаётган козонда недир?

Ислом хакни, яхшилиқни фасохатли айтишга изн беради. Мавзулар микёсини махсус таклиф этмайди. Мавзу ё масалани иккита дунёга тоифаламайди. Мўътадилликдан огиб, усул, ижод ва карашларни “дийний”, “дунёвий”га бўлиш, уларни ўзаро карши кўйиш - дунёни инсоний каричлар билан ўлчашнинг оқибати. Хозирни эртадан, ерни самодан, дийнни дунёдан, рухни танадан алохидалаб карамок хамма вақт шартли ва нисбийдир. Бу хол хам уларнинг тархига караб, ўзга томонларни топтамай, васатий ўлчовли бўлиши жоиз:

Тийрамохнинг хазонрезиди

Рухим пинхон топаркан воя,

Англайманки, таним эзилган

Дунёлардан тўзгиган соя...

Хувиллаган Ер-Осмон аро

Дорбоз каби бораман калкиб,

Бир сатр шеър бўлади пайдо -

Мустабид вақт хукмидан чалгиб.

Бокиб осмон мовийлигига

“Тангрим” дейман, чекаман фиғон:

Бутун олам кирар шу сўзга,

Шу бир сўзда бўлади нихон.

Усмон Азимнинг хозирги шеърияти тахлилини бандлар ва байтларнинг катъий тартиботи бўйича рўёбга чиқариш мушкул. Воқеий, фикрий узвларнинг мантикий тадрижу боғланишлари одатий усуллардан анчайин мураккаброк. Адабий урфда энг жозиб, таъсирчан фикрни интихога асраб кўйиш ва асарни у билан зийнатлаш бор. Ўз мухлисини Усмон Азим ёркин талкинларга узок зориктирмайди. Ёник ифодаларнинг бир канчасини ёки серхикмат гоёнинг бор янги ва ўткир гапини шеърнинг бутун сатхию

теграсига аямайин сочади. Мисралар мобайнида дафъатан пайдо бўлган шиддаткор поэтик образ ё мажоз сизни бот-бот тўхтатади. Хеч бир тўхтамингиз зое кетмайди. Улар - айни шеър йўлидаги бекатчаларингиз. Нихояга етиб боргач, ортда колган манзилларга яна беихтиёр кайтасиз: хеч нарсанинг, тасвирот воситаларидан хеч бирининг ички зич куршовдан четда эмаслигини, барчаси рўй-рост рухий манзаранинг тартибли, узилмас узвлари эканини ўзингиз кашф этасиз.

“Тазарру боглари” ва “Боглардан келган шеърлар” туркумлари истиклол даври ўзбек поэтик тафаккуридагина эмас, жaxon табиат лирикасида янгича сахифадир. Усмон Азим илк бор шеърият нигоҳини борликка бошқача каратди. Унинг лиро-эпик кахрамони табиатнинг барча фасли, иклими, ходисасига, наботот ва махлуқот оламига хидоятли мурожаат килади. Хамма хилкат ва яратикда оят ва мўъжиза идрок этади. Тўртта фаслга бирдек мухаббатли бўлади. Ўзни жамийки гиёҳларга кариндош хисоблайди. Калбда майса сасини сезади. Гулларни “кизим” деб эркалайди. Дарахтни “нима” деб эмас, “ким”лаб сўроклайди. Улар билан тупрокдай гаплашади. Шовуллаган чинор билан иккиси тонггача сухбат куриб, алёрлар айтади. Тераклар – унинг меҳрибон укалари.

Кузакни – кексайган бахорни багрига босиб хайрлашади. Хар япроқда бир хадис бор – хадисларни термок истайди. Хатто “бир барг хасратин ёзиб” доврук солмок мумкин оламга. “Барг учганда уйгонган хаво” калбини титратади. “Оламон топтаган баргнинг” хасратида ўлишга тайёр. Каргаларгина “япроқларнинг жанозасида” базм курмоги мумкин, шоир калби эса мотам тутаяди. Гоҳо хоргин бошини кузакнинг елкасига кўяди. Кўзлардан то мияга қадар изгиринлар елиб кираркан, “Хак васлининг музаффар сели”ни хислайди. Мислсиз хикматларга бефарқ қолиб, руҳининг кирланишидан чўчийди. Буларнинг барчаси тавбага, тазарруга чорлайди. Лекин “Нега факат ўзин кўрар одамлар?”

Кулгию гам оралигида

Мувозанат саклаб борар Вакт.

Факат мен шеър карамогида-

Бу илмни унутган бебахт.

“Тазарруга бош эгган банда”нинг безовта руҳига гоҳо юлдузлардан роз тўкилади. Ердаги бор тириклик руҳи аслида фалақдандир. Богларнинг ям-яшил ёнишлари шу боис идрокига титроқлар солади. Руҳи ёз богларида арик бўлиб йўнгичкалар аро таралади, “дарахтларнинг япроқларида, мевасида” кайта яралади. Баъзида “шамолнинг ирмоги” бўлиб бутун борликни кезади.

Ўзал гоз патлари – оппоқ корнинг халокатидан калби гирён йиглайди. Дунёнинг хар гарди дилига урилиб, хамма нарса илоҳиёт хабарини беради.

Демак, “факат тазарру матлуб”. Бардавом тазаррулар инсонни мустакийм йўлга солади, ўтмиш гуноҳларни кетказиб, руҳиятни поклайди, дийнга дохил килади. Мазкур икки туркум исломий иймонга хос поэтик тааммуллардир. Улар яна аччик адашувлардан зада замонамиз илгор кахрамонининг, шунингдек, асрлар мобайнида кўп тойиб, аслини излаётган чин шеъриятнинг изтиробу қувончи уйгун акс этган улкан васатий монологлардир:

Юлдузларни борар окизиб,

Бошим узра йўловчи дунё...

Ўтмок нега, ахир, гард бўлиб,

Мен ахир дард бўлмокчиман,о!

Хабар бергин, кўнглим, фалакка-

Мен янгича яшай бошладим:

Ёкамгамас, кара юракка

Сизиб тушар аччик ёшларим.

Ижоднинг васатий бўлмоги, ишончли илмдан кувват олмоги, шу йўсин ўлчанмоги, тахлил этилмоги мақсадга мувофиқдир. Хамма жихатида тўғри гоёларга таянган, шаръий мезонлардан олмаган ижодий амалгина бетарафлик фазлида бўлади. Турфа тўлкин-тўфонга учрамайди. Васатиёна ўлчовда уларнинг бардоши, бахоси аён бўлади. Ижод кишиси шаръий илмларга қай масалада мурожаат этмасин, уларда доимий салохиятли васатийликни топади. Инсонга унинг тоқатидан ташқари ҳеч нарса талаб этилмаслигини, бундай зугумга қаршилик қоидаларини васатияда кўради. Бу ихтиёрий таълимот эмас, Аллоҳ амридир ва Унинг бандадаги ҳаққидир.

Сон-саноксиз фаолиятлар сирасида шеърият ҳақ таълимотга ҳар жихатдан амалда бўлмоққа масъул. Васатия ҳайратга солғувчи ва ожиз қолдирғувчидир. Шеър воситасида бўлаётган одатан “дунёвий” амалларнинг охираччи учун ҳам фойдали бўлишини таъмин этувчи, қароқўллагувчидир. У адаштирмай, ҳолис йўлдан бошлайди. Шоирона жўшқинликни марғуб талқинга беисроф йўналтиради. Асарни васат сифатли қилиб, саломат яшатади.

Кўпчилик назарида “дунёвий” қайфиятли бўлган шеъриятлардан бирига илк бор васатия тақозолари асосида муносабат баён этдик. Давримиз ўзбек шеъриятининг мисоли сифатида унинг муайян мотивларда ҳақ эътиқодга нечоғлик мувофиқлиги бир қадар қўзғатилди. Албатта, шеъриятдан батамом илоҳий оҳангни талаб этишлик дийнда ҳаддан ошишга, ижодни дунёвий иш қилиб, дунёпарастликка ботишлик ҳам ҳаққни қўйиб қўйиб эҳтиётлик-вақаратликка сабаб бўлмоги мумкин. Шунингдек, сўз санъатида шаръий қароқўлнинг қалат қўйилиши исломга нописандлик қўйишидир.

Ҳолбуки, моҳиятининг ҳамма жихати васат бўлган, яхшини ва яхшилиқни тараннум этувчи соф “дунёвий асар”нинг айнан бир вақтда соф “исломий асар” бўла олишига заррача шубҳа йўқдир. Ҳолбуки, дунёнинг барча замонда дийрига қодир қилинган таълимотга мансублашиш майли қароқўл оламида беихтиёр йўсинларда ҳам ҳамиша мавжуд. Дунёвий мавзуларда бўлса-да, шаръий таълимотлар, мезон-ўлчовларга муносиб қароқўлган тўғри шеъриятларнинг руҳи, қароқўлмаси, тақарқур тарзи, бутун қароқўлги шуни тақарқиллаб турсаю, инқорга оқишсақ, бу – ҳаққатларни тан олмаслик, ўз-ўзимизни овутиш, ёлғонга пешвоз қароқўл ёҳуд қароқўл эмасми?

“Қароқўл қасб – сўзни қўйлатиш”. Шеърга нега қоғон қоғуш сўз қароқўли? Усмон Азим қароқўл қандай қароқўли? Ўз истеъдоди мансуб санъатни бу сўз қароқўли сифатлаш қароқўлими? Шеъриятни ҳеч қим, ҳеч қароқўл қароқўли бундай таъриф этмаган. Шоирнинг қароқўлини қароқўл этиб улғурмайсиз. Айниқса, қароқўлини васат маънолар қароқўлини тамоман маҳв этади. Аввало, “қасб” қароқўли қароқўли ва беназир “амал” маъносини қароқўли қароқўли. Сўнгра шоирлик иши тааммул қароқўли. Ҳаёлотда ижодий қоғолар қароқўли осон бир қоғуш эмас, сўнгра уларни қароқўл янада қароқўлидир. Сўзни иллатдан авайлаб, қароқўли олиб ўтиш қароқўли. Турмушнинг эса машғулотни қароқўли маълум: “қароқўлини қароқўли-қароқўли” эрмақлаш. Шу ва қароқўли қароқўли билан қароқўли-қароқўли қароқўлидир. “Қароқўли-қароқўли дунёни қароқўли” ўзни қароқўли, қароқўли сўйлатиш – машаққат. Омбор қароқўли тўла бўлса ҳам, қароқўлидан ўлмоқлик қароқўли бу. Шеър ишини “дунёга қароқўли қоғуш” қароқўли васатий идрок ва маълумият қароқўли назаридандир.

Шу тарика тўйғунинг тўлиқлашгани сайин қароқўли, аммо қароқўлида қароқўли гапи қароқўли

тавсиф шеърхонни ажойиб бир васат тагмаъно хиссига йўллаб кўяди. Демакки, лаънатилик – жараёнга тўсик барча новасат кутблар хоссаси. Шоир гирдобларнинг хар лахзасида канча барбод бўлмасин, сўзни куйлатиб улгурмоги шарт:

Юзма-юзлик хар лахза жумбок,

Бирга окмок – асрлар таниш.

О, дунёга тескари юрмок-

Лаънати касб – сўзни куйлатиш!

Баравж шеърий заковат учун хам огишув хавфию хатари хамиша зимдан тайёр. Илохий ишлар, синовлар каршисида шеърият-да ожиз, бемажол. Куръони Карим кўз, тил, кулок бобида айтганидек, шеърият хам икки йўлга йўллаб кўйилган. Васат мавке, муроса, васат туйгу, ифода – энг яхши, энг тўгри йўл. Васатия – шеърият ва унинг илмлари учун хам нажот, мухофаза кўргони, омонлик минтакаси. Сўзни васат куйлат, шеърият!

Буюрилган бу мўътабар конунга бўйсунидан, таслимликдан ўзга чора – эрк, халоват, саодат йўк. Ижодлар учун хам нажотларнинг йўли факат ва факат васатияда...

Тохир Шермурод